

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

2022 у. «23» 8

2649-13-182-ТВ/2022-son

Beruniy tuman

«NUKUS MEDIKAL DEVICES» маъсулияти чекланган жамияти, кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади. Давлат хизматлари маркази томонидан берилган асосида иш юритувчи раҳбар Бобожанов Муродбек Махсуд ўғли бир томондан ва **Беруний тумани тиббиёт бирлашмаси** кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади, таъкилотнинг устави асосида иш юритувчи раҳбар Палванов Дилмурод Базарбаевич иккинчи томондан мазкур шартномани 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-СОН «Давлат харидлари тугрисидаги қонуни» талаблари асосида, Қонуннинг 7-боб «Энг яхши таклифларни танлаш», Қонуннинг 56-модда «Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари буйича» 18 август 2022 йилги «etender.uzex.uz» портали тасдиқланган баённома асосида қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, «Сотиб олувчи» эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Ул. бир	Мик дори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
						став каси	Суммаси	
1	Аппарат для мембранного лечебного и (или) донорского плазмафереза АМПд-ГТ (торговая марка «ГЕМОФЕНИКС»)	Комп	1	113043478.26	113043478.26	15 %	16956521.74	130000000
2	Стойка лапароскопическая эндоскопическая Fusion Ackermann с комплектующими и аксессуарами	Комп	1	1103913043.48	1103913043.48	15 %	165586956.52	1269500000
<b>ЖАМИ</b>					<b>1216956521.74</b>		<b>182543478.26</b>	<b>1 399 500 000</b>

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: **1 399 500 000 (Бир миллиард уч юз тўқсон тўққиз минг беш юз ) сўм 0 тийини** таъкил қилади.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ

2.1. «Сотиб олувчи» мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 (Ўн) банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан **15%** миқдоридан (шартнома суммасидан **30%** миқдоридан) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган**85%** ни товарни олгандан сўнг 10 (Ўн) банк иш куни ичида қабул қилинган топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. «Сотувчи» аванс маблағлари ўзининг тегишли ҳисоб варағига қелиб тушган вақтдан бошлаб 100 кун ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Сотувчи» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. «Сотиб олувчи» товарларни қабул қилишда «Сотувчи» ишгиригида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарлар номи буйича Ўзбекистон Республика Товар-Хомашие Биржаси «etender.uzex.uz» портали орқали 11 август 2022 йилда жойлаштирилган № 135625 лот таълабларига мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Сотиб олинган товар (маҳсулот)ларни етказиб бериш «Сотувчи» нинг зиммасида бўлади. Икки томон қелинувига кўра «Сотувчи» ҳисобидан етказиб берилади.

2.6. «Сотиб олувчи»нинг розилигига кўра товар (маҳсулот) муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Сотилган товар (маҳсулот) бевосита «Сотиб олувчи»нинг масъул ходимлари томонидан ҳисоб-фактура бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товар (маҳсулот) ларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товар (маҳсулот) ларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Сотиб олувчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. «Сотувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товар (маҳсулот) ларни етказиб беришни талаб қилиш;

3.1.3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қошидаги «Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» - рўйхатдан ўтканлиги тугрисидаги гувоҳномасини талаб қилиш (хар бир аппаратага);

3.1.4 “Сотувчи”дан ташкилотнинг махсус бланкида ишлаб чиқарувчи, бренд, модели ва техник параметрларни олдиндан куриб чиқиш учун хужжатларни талаб қилиш;

3.1.5. Сифатсиз товар (махсулот) етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра “Сотувчи”дан қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар (махсулот) билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- “Сотувчи”дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. “Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товар (махсулот) ларни қабул қилиш;

3.2.2. Товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатларда тўлаш.

3.3. “Сотувчи”чининг ҳуқуқларга:

3.3.1. “Сотиб олувчи” дан олдиндан аванс тўловни ва етказиб берилган товар (махсулот) лар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.2. “Сотиб олувчи”дан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товар (махсулот) ларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. “Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб, ўрнатиб бериш, 12 ой давомида бузилса алмаштириш ёки таъмирлаш;

3.4.3. Агар товар (махсулот) ларни етказиб бериш жараёнида “Сотувчи” шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда “Сотиб олувчи”нинг талаби бўйича 5 банк иш куни ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товар (махсулот) ларни танлаб олмаслик, шунингдек “Сотувчи” шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товар (махсулот)ларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун “Сотиб олувчи” “Сотувчи” га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товар (махсулот)лар қийматининг 1 (бир) фоизи миқдорида, тез бузиладиган товар (махсулот)лар бўйича эса 3 (уч) фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товар (махсулот) лар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 3 (ўч) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товар (махсулот) лар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. “Сотувчи”:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича “Сотувчи” шартнома шартларининг “Сотиб олувчи” назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки иктисодий шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, “Сотиб олувчи” товар (махсулот) ларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 (ийгирма) фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товар (махсулот) лар етказиб берганлик учун жарима “Сотувчи”дан акцентсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,3 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товар (махсулот) ларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товар (махсулот) ларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товар (махсулот) ларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товар (махсулот) ларни етказиб берганлик учун “Сотувчи” “Сотиб олувчи”га бундай товар (махсулот) лар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товар (махсулот) лар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда “Сотиб олувчи” жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин “Сотувчи” ҳисобидан товар (махсулот) ларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги “Сотувчи”дан товар (махсулот) ларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашини бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъмиқлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат ишгиросидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф

олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

5.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-ҳатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни насайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши Мурожаат қилган тараф жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишини озод этилади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунари билан тартибга солинади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

9.2. Шартноманинг амал қилиш муддатидан олдин, томонларнинг бири шартнома шартларини бажаришдан бош торгса, бир томонлама бекор қилишга асос бўлади.

9.3. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг тапшабусига кўра 1 (бир) ой давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.4. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

Ташкилотноми: «**NUKUS MEDICAL DEVICES**»

маъсулияти чекланган жамияти

Манзил: Ташкент шаҳри Чилонзон тумани

Олмазар мавзе 165<sup>а</sup> уй 19 хона

Тел/Факс: 97 888 81 81

х/р: 2021 4000 7054 5706 5001

Банк номи: Ташкент ш УЗСАНОАТ

ҚУРИЛИШБАНК Рақат филиали

СТИР коди: 309006775

МФО: 00440

ОКОНХ: 32500, ОКЭД: 79994.

Эл адрес: 5558181@mail.ru

Раҳбар (директор):

Бобоқаров М.М.



### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

Ташкилот номи: Беруний туман тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси

Беруний туман Х. Дустлиги кўчаси 3 уй

Тел.: (61) 524- 27 53 , (97) 787- 25-77

СТИР коди: 200937347

ОКОНХ: 91511 \_ МФО: 00014

шахсий ҳисоб варағи:

100022860352077073101054001

Ягона Ғазначилик ҳисоб варақлари (ЯҒХ):

23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк г. Ташкент

Ғазначилик болинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар

Палванов Д.Б.

Тайёрлади:-



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

- 1. Loyihaning turi:** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi:** “Nukus Medical Devices” MCHJ bilan 1 399 500 000 so‘mlik oldi-sotdi shartnomasini tuzish to‘g‘risida
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**  
Beruniy tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 19-avgust

**Xulosa:** Loyiha O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘grisida”gi O‘RQ-670-1-sonli Qonuni, O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘grisida”gi O‘RQ-684-sonli Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘grisida”gi PQ-3953-son Qarori va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentyabrdagi “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘grisida”gi PF-6313-sonli Farmoniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**Sh. Masharipov**

2022-yil «22» avgust

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Беруний тумани туман тиббиёт  
бирлашмаси  
Д. Палванов  
«23» август 2022-йил

Беруний тумани туман тиббиёт бирлашмаси “лапараскоп ва плазмафарез аппаратлари” ни сотиб олиш мақсадида энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг энг яхши таклифларини танлаб олиш бўйича ўтказилган 135625-сонли мажлиб баённомаси

<u>Қатнашчилар:</u>	<u>Ф.И.Ш</u>	<u>Лавозими</u>
<u>Комиссия бошлиғи:</u>	Д.Б. Палванов	туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
Комиссия котиби	Д.К. Курбанбаев	туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи муовини
Комиссия аъзолари	Б. Х. Оразалиев	туман тиббиёт бирлашмаси бош хирурги
	И. К. Матякупов	бош хисобчи
	Ж.Р. Махамбетов	Давлат харидлари бўйича мутахасиси
	А.Д. Бекчанов	Куп тармокли поликлиника мудири
	Г. Б. Оразалиев	Хирургия булими
	А. А. Шамуратов	№2 хирургия булими
	З. Ш. Курбаналиев	1 хирургия булими хирурги
	З. А. Ешимбетов	Кон банки булими мудири

### КҮН ТАРТИБИДА:

Беруний тумани туман тиббиёт бирлашмаси – Танлаб олиш комиссияси бошлиғи **Д. Б. Палванов** мажлисда танлаш комиссиясининг 10 азосидан 10 инсон катнашганлигини айтиб ўтти, танлаш комиссияси мажлисини очик деп эълон қилди.

Танлаш комиссияси секретари танлаш комиссиясига қуйидаги маълумотларни такдик қилди:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда - Қонун) 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилиши тўғрисида махсус информацион порталига (<http://etender.uzex.uz>) эълон танлов катнашчиларининг қабул қилиш муддати тамомланишидан 5 (беш) иш кун олдин давлат буюртмачиси томонидан ўз кабинети томонидан жойлаштирилган **2022 йил 11 август кўни 22110012135625-сонли лот** бўйича давлат харидлари махсус ахборот порталига жойлаштирилган ва 2022 йил 18 август №135625 сонли баённомаси бўйича ҳеч қандай муурожаат келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ва юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Танлов комиссияси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Беруний тумани туман тиббиёт бирлашмаси “лапараскоп ва плазмафарез аппаратлари” ни сотиб олиш мақсадида ўтказилган Танлов олишда танлов ҳужжатларини ва танлов шартлари бўйича енг яхши шартларни тақдим қилган ҳамда танлаб олиш ғолиби деб топилган “NUKUS MEDICAL DEVICES” МСНУ 1 399 500 000 сум (ҚҚС солиғи билан) билан шартнома тузилсин.

2. Ғолиб ташкилот танлаб олиш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолатда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашчи (резерв) етиб, “ООО MEDUP” МЧЖ белгилансин. Бунда ғолиб қатнашчи тақдим қилган суммасидан ошмаган суммада шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қуйилсин.

3. Низом талабларига мувофиқ танлов қатнашчиларининг тақдим қилган маълумотларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати тақлифлар бериш тамом бўлишидан 10 (ун) кундан ошмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ташкилотнинг ҳисоб-китоб бўлимига танлов якуни бўйича ғолиб ташкилот билан шартнома ҳужжатларини таёрлаш ва шартнома тузилганидан кейин 3 (уч) иш куни ичида махсус ахборот порталига (<http://etender.uzex.uz>) жойлаштириш топширилсин.

5. Танлов комиссияси секретари ушбу танловга тегишли барчи ҳужжатларни белгиланган тартибда сақланишини таъминласин.

### Қатнашчилар:

Комиссия котиби:

 Д.К. Курбанбаев

Комиссия азолари:


 Б. Х. Оразалиев


 И. К. Матякупов

 Ж.Р. Махамбетов

 А.Д. Бекчанов

 Г. Б. Оразалиев

 А. А. Шамуратов

 З. Ш. Курбаналиев

 З. А. Ешимбетов